

ОЧИҚ МАЪЛУМОТЛАР

мамлакат ривожда қандай аҳамиятга эга?

Давлатнинг халқаро доирадаги салоҳияти ва имижини оширишда, нуфузли халқаро рейтинг ҳамда индексларда ўрнини яхшилашда очиқ маълумотлар соҳасининг ривожланиши муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода, Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2020 йилнинг 23 декабрь куни “Ўзбекистон Республикасида очиқ маълумотлар соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорнинг қабул қилиниши очиқ маълумотларнинг ошқоралик ва сифати даражасини, уларни фуқаролар ҳамда жаҳон ҳамжамиятига етказиш тизимини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Қарор ва ижро

Биобарин, ушбу ҳужжат билан 2021 — 2025 йилларда Ўзбекистонда очиқ маълумотлар соҳасини ривожлантириш концепцияси тасдиқланди ва унда очиқ маълумотларнинг норматив-ҳуқуқий базаларини такомиллаштириш, маълумотларнинг очиқлигини методик ва ташкилий ҳамда ахборот-технологик қўллаб-қувватлаш каби асосий принципларга алоҳида эътибор қаратиш белгиланди.

Маълумки, Ҳаракатлар стратегияси давлат органлари ва ташкилотларнинг фуқаролар ҳамда бизнес ҳамжамияти билан ўзаро ҳамкорлигининг янги механизмларини белгилаб берди. Ривожланишнинг устувор йўналишларига мувофиқ жамоатчилик назорати, фуқаролик жамияти институтлари роли сезиларли даражада кучайтирилиб, ахборот-коммуникация технологиялари орқали давлат хизматлари кўрсатишнинг очиқлиги ва сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, 2015 йилнинг март ойида жамоатчиликка тақдим этиладиган ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий маълумотларни турли машинада ўқиладиган (дастурчилар тили билан айтганда, csv, json, xml) форматларда эълон қилиш имконига эга Ўзбекистон Республикасининг Очиқ маълумотлар портали ишга туширилди.

Ҳўш, очиқ маълумотларни ривожлантиришнинг асосий тамойилларига нималар қиради ва концепцияда қандай вазифалар қамраб олинган? Қуйида шулар хусусида фикр юритамиз.

Авалло, очиқлик бир қатор қулайлиги билан ажралиб туради.

Масалан, маълумотларни қонуний талаблардан келиб чиққан ҳолда очиқ, бепул ва машинада ўқиладиган форматларда эълон қилиш улардан эркин фойдаланишни таъминласа, ўз вақтида эълон қилиш ва кенг қамровлилик очиқ маълумотлар тўпламлари рўйхатини шакллантириш, уларни тўлиқ ҳамда сифатли тақдим қилиш, шунингдек, улардан фойдаланиш қамровини кенгайтиришга хизмат қилади.

Имконият ва қулайлик барчага давлат органларининг машинада ўқиладиган ҳамда бошқа форматлардаги очиқ маълумотларидан фойдаланиш учун тенглик яратади. Таққослаш имкониятининг мавжудлиги ва ўзаро боғланганлик эса манбаларни излаш, қиёслаш ҳамда самарали қайта фойдаланишни қўллаб-қувватлаш учун очиқ маълумотларни стандартлаштирилган таркиб ва форматда тақдим этиш ҳамда ўзаро муштаракликни таъминлайди. Шунингдек, самарали бошқарув ва фуқароларни жалб этишга ҳамда ҳар томонлама ривожланиш ва инновацияларга қаратилганлик очиқликни юзага чиқарувчи муҳим омиллардан ҳисобланади.

Соҳани ривожлантиришда илғор халқаро тажрибадан фойдаланган ҳолда улар билан ишловчи масъул раҳбар ва ходимларни доимий ўқитиш лозим. Шу билан бирга, очиқ маълумотлар бўйича ҳамжамиятни шакллантириш ҳамда дастурий маҳсулот ва хизматлар бозорини такомиллаштириш, давлат-хусусий шерикликни мустақамлаш мақсадида “Open Data Challenge” ва “Хакатон”ларни мунтазам равишда ўтказиш талаб этилади.

Бундан ташқари, халқаро майдонда мамлакатнинг очиқлик соҳасида ривожланиш даражаси, фойдаланиш имконияти бўйича нуфузини мустақамлаш, истиқболли халқаро рейтинг ва ҳисоботларда мамлакат ўрнини яхшилашга эришилади.

Қарор билан Ўзбекистон Республикасининг “Очиқ маълумотлар портали тўғрисида”ги низоми ҳам тасдиқланди. Мазкур портал интернет жаҳон ахборот тармоғидаги Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали доирасида фаолият кўрсатувчи ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг очиқ маълумотларини жойлаштириш учун ҳамда фойдаланувчилар ўртасида ўзаро ҳамкорликни таъ-

олиши ва улардан фойдаланиши бепул бўлади. Тижорат ҳамда хўжалик фаолиятини юритиш мақсадида портал билан электрон алоқани тиклаш орқали (API интерфейсларидан фойдаланган ҳолда) фойдаланиш бундан мустасно.

Порталдаги ахборотлар фақат давлат органлари ва ташкилотларининг республика даражасидаги юқори турувчи тузилмалари, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан эълон қилинади. Унда ўзбек, рус ва инглиз тилларида машинада ўқиладиган ҳамда бошқа форматларда очиқ маълумотлар тўпламлари жойлаштириб борилади.

“ 2021 йил 1 августгача Очиқ маълумотлар порталининг янги талқини тайёрланиб, ишга туширилади. Мамлакатимизда ҳозирги кунга қадар бу борада эришилган ютуқлар ҳамда ўзгаришларга Президентимизнинг 2019 йил 9 апрелдаги “Давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори мустақам замин яратиб берди. ”

минловчи data.gov.uz электрон манзилидаги ахборот ресурси ҳисобланади. Унинг мақсад ва вазифалари сирасига эса ахборот ресурсида мавжуд бўлган очиқ маълумотлар тўпламларини тақдим этиш, шакллантириш, эълон қилиш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича алоқа платформасини яратиш, технологик сиёсатни амалга ошириш, фойдаланувчиларга интернет жаҳон ахборот тармоғидаги очиқ маълумотлардан фойдаланишнинг электрон майдонини тақдим этиш, ўзаро ҳамкорликни таъминлаш кабилар қиради.

Порталда жойлаштириладиган манбалар билан давлат органлари ва ташкилотлари, жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг осон фойдаланиши, танишиб чиқиши, юклар

Шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларининг расмий веб-сайтларида эълон қилинадиган ахборот билан ҳам айнан бир хил ҳамда ўзаро боғланган бўлиши лозим.

Бунда Давлат статистика қўмитасининг ҳам ўзига хос вазифалари бор, албатта. Хусусан, қўмита давлат органлари ва ташкилотларининг очиқ маълумотлар тўпламлари рўйхатини шакллантириш, юритиш ҳамда янгилаш ва тегишли манбаларнинг порталда ўз вақтида акс эттирилиши бўйича фаолиятни мувофиқлаштиришга масъул бўлади. Шундан келиб чиқиб, қарорда Давлат статистика қўмитаси уч ой муддатда давлат органлари ҳамда ташкилотлари билан биргаликда порталда мажбурий

эълон қилиниши лозим бўлган маълумотлар тўпламлари рўйхатини тасдиқлаш учун мувофиқлаштириш комиссиясига киритиш, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мазкур йўналишдаги халқаро рейтинглар, хусусан, “Очиқ маълумотлар глобал индекси” ҳамда “Очиқ маълумотлар барометри” рейтингларида мамлакатимизнинг иштирокини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқаро очиқ маълумотлар хартиясига қўшилиши бўйича белгиланган тартибда зарур чораларни кўриши лозим.

Умуман олганда, 2021 йил 1 августгача Очиқ маълумотлар порталининг янги талқини тайёрланиб ишга туширилади. Мамлакатимизда ҳозирги кунга қадар соҳасида эришилган ютуқлар ҳамда ўзгаришларга Президентимизнинг 2019 йил 9 апрелдаги “Давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори мустақам замин яратиб берди. Чунки унга кўра, Давлат статистика қўмитаси вазирлик ва идоралар, шунингдек, ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори, Жаҳон банки, БМТ Тараққиёт дастури, “Open Data Watch” ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида 2019-2020 йилларда бир қатор йирик тадбирлар ўтказди.

Бундан ташқари, икки йил мобайнида жами 100 дан ортиқ вазирлик ва идораларнинг 385 нафар ходими очиқ маълумотлар билан ишлаш бўйича кўникмаларга эга бўлди. Натижада Ўзбекистон Республикаси “Open Data Inventory” (ODIN) очиқ маълумотлар рейтингига 63 баллни тўплаб, 125 позицияга кўтарилди, дунёда 44-ўринни ҳамда Марказий Осиёда 1-ўринни эгаллади. Шунингдек, БМТнинг “Электрон ҳукумат кузатуви — 2020”да “Очиқ ҳукумат маълумотлари индекси” бўйича Ўзбекистон энг юқори (Very High OGD) кўрсаткичга эга бўлган жаҳоннинг 41 та мамлакати орасидан жой олди.

Ақром СУЛТОНОВ,
Давлат статистика қўмитаси
бошқарма бошлиғи,
Усмон АБДУРАСУЛОВ,
ахборот хизмати раҳбари.